

## Ислом, илм ва тараққиёт

16:09 / 19.04.2017 5401

Илм-у маърифатга эътибор бериш ва унга тарғиб қилиш ҳамда жамият тараққиётида Ислом динининг ўрни беқиёс. Аллоҳ таоло Ўзининг сўнги пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга биринчи нозил қилган ваҳийси, Қуръони каримнинг энг аввалги оятларидаёқ бутун инсониятни ўқиш, илм олиш ва ёзишга буюриб: **“Ўқинг (эй, Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг!Раббингиз эса карамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди”**, деган. (Алақ 1-5 оятлар).

Қуръони каримда илм сўзининг ўзаги ноаниқ шакли “илмун” ва аниқлик артикли қўшилиб, “ал-илму” кўринишларида 81 марта ва бунга алоқадор бошқа кўринишлар: “алима” (билди), “яъламу” (билади), “яъламуна” (биладилар), “иълам” (бил), “аллама” (илм ўргатди), “юаллиму” (илм ўргатади), “ал-уламау” (илмли кишилар), “Алийм” (жуда кўп билувчи), “аллом” (ўта билимдон) кабилар билан умумий 811 марта зикр қилинган. Ақл сўзи айнан келмаган, лекин унинг синоними “Улул-албаб” ( ақллилар) калимаси 16 марта ва “Улун-нуҳа” (ақл эгалари) сўзи 2 бор, ақл сўзидан олинган “яъқилуна” (ақллари ишлатадилар), “афала таъқилуна” (ақлингизни ишлатмайсизми?) каби сўзлар 49 марта такрорланган. Фикр сўзидан чиққан “ятафаккаруна” (фикр юритадилар), “татафаккаруна” (фикр юритасиз) сўзлари 18 марта, фикр ўзагидан олинган “ли-ятафққоҳуу” (чуқур англасалар), “яфққохун” (чуқур англаб етадилар) дек сўзлар 21 марта, “ҳикмат” (дунё-ю охиратга фойдали бўлган илм) сўзи 20 марта ва “бурҳон” (ҳужжат) сўзи алоҳида ва бошқа бир калимага қўшилган ҳолда 8 марта зикр қилинган.

Имом Бухорий (раҳматуллоҳи алайҳи) ўзининг машҳур “Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ” номли китобининг “Илм китоби” бўлимида илм ҳақида 102 та ҳадис, Имом Ғаззолий (раҳматуллоҳи алайҳи) эса “Иҳёу улумиддин” номли асарларида илм, илм олиш ва таълим беришнинг фазилати ҳақида 55 та ҳадис келтирганлар. Бошқа муҳаддис имомларимиз томонидан ҳам илм борасида юзлаб ҳадиси шарифлар ривоят қилинган. Юқорида зикр қилинган 1000 га яқин оятлар ва юзлаб ҳадисларнинг барчасида илм ва илм эгаларининг келажаклари порлоқ экани баён этилган ҳамда илмдан

узоқ ва унга лоқайд бўлганларнинг оқибатлари яхши бўлмаслигидан огоҳлантирилган. Жумладан Аллоҳ таоло “Зумар” сурасининг 9- оятида: **“Сен: Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?, деб айт”**, деб марҳамат қилган. Ушбу ояти каримада “истифҳоми-инкория” (сўраш йўли билан инкор қилиш) қоидаси қўлланган. Яъни, “Ҳеч қачон биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлмайди”, дейилмоқда. Лекин Аллоҳ таоло “билмайдиганлар”ни ҳам ўз ҳолича юраверишларига рухсат бермаган. Балки, уларни ҳам илм ва тараққиёт сари юришга чорлаб, “Наҳл” сурасининг 43-оятида: **“Агар билмасангиз, зикр аҳли (биладиганлар) дан сўранг”**, деган. Бу оятнинг шарҳи ўлароқ, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: **“Билмасликнинг шифоси саволдир”**, деганлар.(Абу Довуд ривояти). Мазкур икки оят ва биттагина ҳадиснинг ўзидан жаҳолат ва қолоқликдан сақланиш, илм ва тараққиёт сари илғор қадам ташлаш Исломнинг бош ғояси экани равшан бўлмоқда. Ислом ўзининг бу мақсади йўлида билмаган нарсаларни ҳатто бошқа дин ва миллат вакилларида ўрганишдан ҳам қайтармайди. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бу ишга ундаб: **“Ҳикмат (дунёю - охиратда фойда берадиган илм) мўминнинг йўқотган нарсасидир. (Уни) Қаерда топиб олса, у унга (яъни уни олишга ва ўрганишга) ҳақлидир”**, деганлар. (Ибн Можа ривояти). Яъни, мусулмон киши ҳикматни, йўқотган нарсасини қидирганидек қидирмоғи лозим. Бордию уни бошқа дин вакилларида учратган тақдирда ҳам, уни ўрганишдан бош тортмасин. Жамиятининг тарққиётдан ортда қолишига асло йўл қўймасин, дейилмоқда.

Юқорида зикр этилган ояти карима ва ҳадиси шарифлардан хулоса қилиб, сўзимизни: “ Ислом, илм ва тарққиёт бир биридан ажратиб бўлмайдиган ҳамоҳанг тушунчалардир”, деб якунласак, муболаға қилмаган бўламиз.

*Тошкент ислом институти талабаси*

**Баҳодир Баҳромжон ўғли тайёрлади.**